

Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилмаганлиги, айбни фош қиладиган, оқлайдиган, жавобгарликни енгиллаштирадиган, оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланмаганлиги учун суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча терговга юборилган.

Суд ҳукми билан Х.уйида кўп миқдордаги “героин” гиёҳвандлик воситасини сақлаганликда айбдор деб топилган.

Кассация босқичида ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосарининг дастлабки тергов органлари томонидан Жиноят процессуал кодексининг бир қатор талаблари бузилганлиги сабабли суд қарорларини бекор қилиб қўшимча терговга юбориш тўғрисидаги протести куйидагиларга асосан қаноатлантирилган.

Ушбу жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришда ЖПКнинг 22-моддаси талаблари бажарилмаган, далиллар тўплашда ЖПКнинг 92-94 моддалари талабларига риоя қилинмаган.

Жиноят иши материалларида бўлган Х.нинг уйида тинтув ўтказилганлиги ҳақида тузилган баённомада унинг хонасидан қизил тугунчада оқ рангли порошок ва бир дона оқ рангли тугунчада бир дона оқ рангли таблетка топилганлиги кўрсатилган. Тинтувда қатнашган холис ҳам шундай кўрсатма берган. Иш бўйича суд-кимёвий экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги терговчининг қарорида Х.нинг айбдорлик масаласини аввалдан ҳал қилиб, ҳали экспертиза ўтказилмаган ва унинг хулосаси олинмаган бўлишига қарамасдан, Х. нинг уйида тинтув ўтказилганида 0,2 гр “героин” гиёҳвандлик воситаси топилганлиги, Х. ўзининг бу ҳаракати билан ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” бандида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги тўлиқ тасдиқланганлигини кўрсатиб, Х. нинг уйдан олинган саккиз бўлак тугунга

ўралган нарсани гиёхвандлик воситасининг қайси турига киришини аниқлаб бериш сўралган. Экспертиза хулосасида Х.ни уйдан олинган етти бўлак қизил рангли тугундаги моддалардан 6 номердагисида қизғиш, сариқ рангли порошок бўлиб, унинг оғирлиги 0,2 гр эканлиги, бу модда “героин” гиёхванд моддаси эканлиги, қолган порошоклар таркибида гиёхванд моддаси топилмаганлиги кўрсатилган.

Тузилган баённома ва холислар кўрсатмасида Х. нинг уйдан олинган етти дона қизил рангдаги ва бир дона оқ рангдаги тугунчаларда оқ рангли порошоксимон модда ва бир дона таблетка топилганлиги кўрсатилган бўлиб, қизғиш, сариқ рангли модда ҳақида ҳеч қаерда кўрсатилмаган. Лекин экспертиза хулосасида айнан оқ рангли порошок бор деб кўрсатилган 6-сонли тугунда қизғиш, сариқ рангли порошок топилган деб, ушбу порошокни “героин” деб кўрсатилган. Топилган бир дона оқ рангли таблеткани текширилганлиги ёки текширилмаганлиги ҳақида маълумот мавжуд эмас.

Судлов ҳайъати ажрими - №03-590н-01